

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 296 (2280). ЖУМА  
**21 ДЕКАБРЬ 1973 й.**  
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади. Баҳоси 2 тишин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Учишни бошқариш маркази 20 декабрь (ТАСС). Иккинчи иш кунинда Климук ва Лебедев ўроқлар «Союз-13» космик кемасининг иккинчи илмий аппарати ишлашга ҳозирлашни тугатдилар. «Орион-2» системасининг ишлашини янгида текшириб чиқиш мақсадларида кема осмоннинг белгиланган участкасига мўлжал олдирилди ва телескоплар тўғрилаб қўйилди.  
Космонавтлар кема ичидан юборилган телевизион репортажда ўтказилган парвознинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида, унинг илмий программаси ҳақида гапириб бердилар.  
19 декабрь соат 22 дан 30 минут ўтгандан 20 декабрь соат 8 дан 30 минут ўтувунга қадар кема Совет Иттифоқи территориясидан радио орқали алоқа қилиб бўлмайдиган зонада эди.  
Космонавтлар учинчи учуш кунини бошлаётганда, медицина контролли, эрталабки машқлар ва нонуштадан сўнг илмий экспериментларни давом эттирдилар.  
«Союз-13» кемаси экипажининг аъзолари ўзларини яхши ҳис қилиптилар. Кемадаги системалар нормал ишлаб турибди, учуш давом этмоқда.

## Ииллик план

муддатидан

илари

## Чилонзорнинг

Меҳнат

зафари

## КЕЧА

Чилонзор райони меҳнатқашлари маҳсулотининг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш бўйича йиллик план бажаришнинг тўғрисида габлира рапорт бердилар.

Район индустрияси олдинга яна бир олга қадам ташлади. Шу йилнинг 11 ой ва 20 кун ичида бутун 1972 йилда ишлаб чиқарилган ва реализация қилингандан 13,1 миллион сўмлик қўш маҳсулот тайёрланди. Бунга меҳнат уюмдорини ошириш, илмий-техника тараққийини таслаштириш, илтимой ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тўғрисида эришилди.

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учили йилида «Ташкент-Ташкент» районий таърибда ремонт-механика, сантехника, темир-бетон буюмлари заводалари, сўт, булка-кондитария комбинатлари, 1-лишай чилонзор комбинати, коллективлари айниқса яхши ишладилар. Бу корхоналарнинг меҳнатқашлари районда биринчилардан бўлиб 1973 йил тоширини мудатидан илгари бажаришнинг ҳақида рапорт бердилар.

Мусобақа қатнашчилари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ишлаб чиқариш новаторлари — авиация заводининг фрезерчи А. Деятова, туңмачлар — Л. Кавалева ва Е. Губиналарнинг шахсий беш йиллик тошириқини 3-4 йилда бажариш юзасидан бошлаган ватанпарварлик чарининга район корхоналарида қўлаб падошлар қўшилди. Ҳозир мингдан зиёд чилонзорлик 1974 — 75 йил ҳисобига ишлатили, 40 ишчи эса беш йиллик тошириқини бажаришди.

1973 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларда қўйилган энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш ва саноат маҳсулотини реализация қилиш бўйича йиллик тошириқини 26 декабрда бажариш, 900 миң сўмлик маҳсулот реализация қилиш белгиланган эди. Чилонзор районининг меҳнатқашлари ўз ишончларини ҳамалаб чиқиб, йил охирига қадар 2,5 миллион сўмлик ҳалқ хўжалиқ маҳсулотларни реализация қилишга бел боғладилар.

— Бу — бизнинг республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейига меҳнат совғаси бўлади, — дейишмоқда чилонзорликлар.

# Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1973 йил 20 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII пленуми бўлиб ўтди.  
Пленум «Ўзбекистон ССР хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ С. К. Зиедуллаевнинг ва «Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон ССР молия ва маъмурият вазирлигининг раиси ўртоқ В. Муродхўжаевнинг докладларини тинглади.  
Музокараларда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси С. Асомов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новицкий, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Х. Хўжаев, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиқ министри Э. Т. Шайхов, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори М. Р. Рамазонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.  
Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов катга нутқ сўзлади.  
Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1973 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми янглиларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён қилинган қарорлар ва ҳулосаларни батамом ва тўла-тўқис маъқуллабди.  
Хўжалиқ ва маданий курилишда беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида эришилган фол катта муваффақиятлар партианинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган ленинча йўли изчиллик билан амалга оширилганлигининг қонуний натижасидир.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосий маъқуллаш ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси муҳомамасига киритилсин.

### Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1973 йил 20 декабрда Тошкентда саккизинчи чакриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишчини бошлади.  
Соат 14 да Олий Советининг биринчи мажлиси очилди.  
Хукумат аъзоларида—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, А. Д. Бечаснов, И. Р. Қурбобов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мухомедов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзоллигига кандидатлар Н. Махмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султенова, А. А. Хўжаев, республика Олий Совети Президиуми ва хукуматининг аъзолари ҳозир бўлидилар.  
Мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат С. Х. Сирожидинов очди. Раис столи ёнида — Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар П. Ф. Глазатов, С. Есимов, З. Исроилова, Г. Рамазова ўтирибдилар.  
Сессия иштирокчилари вафот этган депутатлар М. Дадажонов ва П. В. Қаймаков хотирасини бир дақиқа сукат сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.  
Олий Совет бешинчи сессиядан кейин депутатлар составида бўлиб ўтган ўзгаришлар тўғрисида маънафат комиссиясининг раиси депутат Т. Р. Қаримованинг докладни тингладилар. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 3-моддасига асосан, 1973 йил 2 сентябрда 232-Хайқулбод сайлов округидан сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Имомжон Бузрукович Усмоновхўжаевнинг ваколатини тўри доё тилиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинди.  
Депутатлар сессиянинг кундаги кун тартибин тасдиқладилар:  
1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида.  
2. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақида.  
3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.  
«Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат С. К. Зиедуллаев доклад қилди.  
«Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақида» республика молия министри депутат В. Муродхўжаев доклад қилди.  
\*\*\*  
Танаффусдан кейин мажлисда Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат С. Есимов раислик қилди.  
Депутатлар Олий Совет план-бюджет ва тармоқ доимий комиссияларининг қўшимча докладларини тинглади. План-бюджет комиссиясининг раиси депутат Х. Умаров шу ҳақда қўшимча доклад қилди.  
Мажлисда кун тартибдаги дастлабки икки масала юзасидан — Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисидаги ҳақида Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақидаги масалалар юзасидан музокаралар бошланди.  
Музокараларда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси Е. Антияуротов, депутатлардан И. И. Головачев (187—Марказий сайлов округи), К. Содинова (154—Бухоро шаҳар Оқоғонидега сайлов округи), В. О. Қозимов (399—Қўқон сайлов округи), К. С. Зоиров (386—Сўх сайлов округи), М. Эгамбердиев (81—Қўқон сайлов округи), В. А. Хайдаров (339—Зомин сайлов округи) сўзга чиқдилар.  
Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши ҳақида республика меҳнатқашларининг бир қанча коллективларидан Олий Совет номига рапортлар келди.  
«Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишчини давом эттирмоқда».

### Тонгги ГАЗЕТАЛАДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси депутат С. К. Зиедуллаевнинг «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида», Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисида»ги докладлари ва план-бюджет комиссиясининг раиси депутат Х. Умаровнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча докладлари қилинган.

### Бүгун

СССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 10 декабрдаги фармони билан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ва пахта, дон, сабабот ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳақида давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришдаги шавқатли меҳнатлари учун Ўзбекистон ССРнинг колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари, ишчилик хўжалиқ муваққисилари, «Узсельхозтехника» суви хўжалиқи, тайёрлов ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари, партия, совет, ҳасаба соҳаси, комсомол ташкилотларининг ходимларидан патта группаси ордени ва медаллар билан мукофотландилар.

### ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР ФЕСТИВАЛИ

республика Компартиясининг 50 йиллик юбилейига бағишлаб хужжатли фильмлар кинофестивалини бошладилар.  
Кинофестивалда «Гўзаллик ҳақида сўз», «Ўзгалликнинг уч еиллик» «Самарқанд ҳақида мен билан», «Усмонов Юсупов», «Ўзбекистон» номли фильмлар намойиш қилинмоқда. Фестиваль программасига ўнга яқин фильм киритилган. Бу тадбир шу ойнинг охиригача давом этади.  
Т. АЗИМОВ, Т. ЮСУПОВ.

### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ЧИНИИ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДА КОНТРОЛ ПОСТИ

ЧИНИИ заводи қурилишида ишлатилган бинорларнинг иш соат сайини қўриқ туо олмади. Заводди белгиланган мудадада фойдаланишга топширишга улуш қўйиш бу ерда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг бурчидир. Бунинг яқин аниқлаб етган қурувчилар меҳнат муваффақиятларига эришмоқдалар.  
«Электромонтаж» трести 2-Тошкент монтаж бошқармасининг 35 ишчиллик коллективини объектда электр кабелларини ўтказиш билан шуғулланган. Улар қисқа вақт ичида печлар бўлимига электр ўтказишни тугатдилар. ТП-1 ва ТП-2 подстанцияларидан ишларни ҳам бажариб бўлишди. Энг асосий талаба шунки бош корпусга электр кабелларни ўтказиш ва ёриткичларни ўрнатиш графикада белгиланган мудададан уч кун олдин — 12 декабрда битказилди. Бунга С. Черников, Б. Максимова, В. Майоровнинг бошчи бригада аъзолари катта улуш қўйишди.  
«Участка коллективни зиммаларига қўшимча социалистик мажбурият олишди. Барча комплекс ишларни мудададан беш кун аввал — 25 декабрда тугатлашга аҳд қилишди.  
— Аммо бунинг учун бизга иш фронти керак,— дейди участка бошлиғи Р. Қарлиев.— Хонригача водопровод, насос ва бошқа қўшимча хоналардаги монтаж ишларни тугатиларган. Агарда булар яқин кунлар ичида тугалланса, биз албатта сўзимиз устидан чиқаримиз.  
Насосларни монтаж қилишни 93-трестнинг «Промтехмонтаж» бошқармаси бажариши керак. Кол-



Яқинда Қуйбўшеҳ район партия комитетидан коммунистларга янги партия билетларини топшириш маросими бўлди. Янги билетларни олганлар орасида лан-бўёқ заводининг коммунистлари (чапдан ўнгга) инженер В. Андрущенко, заводҳасаба соҳаси комитетининг раиси А. Раҳматуллаев, цех бошлиғининг ўринбосари А. Ашуралиев, аппаратчи И. Гришинлар ҳам бор эди. И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

тармоқларини ўтказишни бажара олишмапти. Сабаби, улар 200 миллиметрлик қўвурлар билан таъминланмаган. Қўвурлар йўқлиги объектда яна олмади ишларни ҳам олмади оширишга тўқнаш қилишмоқда. Қўвур ётиқлиги учун на элиган қўвурлар қўйилмаганини завод территориясида обондонлаштириш ишлари билан шуғулланганга илжон бермапти. Обон-

### Вақт кутиб турмайди

раётган ёрдамчи пудратчилар ичида ўз ишига соғувқонлик билан қараётган коллективлардан бири «Ташпромстрой» трести пардоз ишлари бошқармаси бўлиб, қўшимча таёрлаш цехида кўп ишлар чала ташлаб қетилган. Фильмга ҳам пардоз бунингда ҳам пардоз ишлари тугатилмаган. Бош корпусда пардоз ишлари тугатилганга, деразаларга ойна со-

да маъмурий-хўжалиқ корпусларига конденциперларни монтаж қилишни битказилганга ишларни ушун хоналарга иссиқ ҳаво келтириш бўлмапти.  
— Қозилетов аввал ташлашнинг монтаж қилиш трестининг иш суръати ҳамон паст,— дейди бош пудратчи.— «Ташпромстрой» трести 50-қурилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери ўртоқ А. Ава несев.— Улар ҳануз рольган печларида контроль ҳисоблаш асбобларини монтажлашни битказилмаганга. Шунингдек, монтажчилар асбоблар учун стенид тайёрлашни ҳам кечиктирляпти.  
«Стальмонтаж» бошқармаси (бошлиғи А. Вербицкий) ошхона бинаоси қурилишида гра-

финдан орқала қилиб меҳнат қилапти. Объектада бошқарманин Уй нафарига қурувчилар ишляпти. Улар шунингдек, занпаоллар ва вентиляция материаларида монтаж ишларини олиб боришлари керак.  
«Вақт кутиб турмайди» Чинии заводи қурилишини фойдаланишга топширишга атинг 10 кун қолди. Объектада эса, ҳали қилишни лозим бўлган ишлар кўп. Шунинг учун, қурувчилар бу қисда мудадинг ҳар бир дақиқасидан уюмлик фойдаланишга, қурилиш-монтаж ишларини тезкорлик билан олиб боришга, ишни икки смедана ташкил этишга эътиборни қаратмоқлари лозим.

«Тошкент оқшомини» контрол постини аъзолари: А. ҚУРАТУЛЛАЕВ, катта мастер, завод халқ контроли группасининг раиси; Д. МАКСУДОВ, Чинии заводи бош инженери; А. НИЕЗОВ, «Тошкент оқшомини» муҳбири.











